

ХАЛҚ СЎЗИ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ,
МУҲАРРАМ, 16-КУН.
ШАМСИЯ,
1412 ЙИЛ,
САРАТОН, 26-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 17 июль, ЖУМА, 137-сон • 388 •

НАРХИ: сотувда 2 сўм.

ИШОНЧ ЁРИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 16 июль кунини Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Пьер Риттерни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида халқро майдонга чиққан мустақил Ўзбекистон дунёдаги мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятларга эга эканлиги таъкидланди. Мустақил, холис давлат бўлган Швейцария Ўзбекистон Республикаси учун аниққа ниҳонларидир.

Швейцария дипломати ишонч ёриғини топириш чоғида, Ўзбекистон ишончли ҳамкор, бу эса ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кафолатидир, деб таъкидланди.

Жан-Пьер Риттер И. А. Каримовга Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси ишонч ёриғини топириди. (ЎзА).

ШВЕЙЦАРИЯ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Жан-Пьер Риттер



Жан-Пьер Риттер 1931 йилда Шо-де-Фонда (Нешатель мухторияти) туғилган. Лозанна ва Геттингенда докторлик таълими олган. Хуқуқшунослик доктори. 1958 йилдан буён ташқи

ишлар федерал департаментда ишлайди.

1962 — 1970 йилларда Жазоир ва Хитойдаги элчихоналарда.

1970 — 1974 йилларда — Халқаро давлат хуқуқи бўлими раҳбари.

1976 — 1980 йилларда — Куба Республикасида элчи.

1980 — 1984 йилларда — Сиёсий котибият раҳбари, 1984 — 1991 йилларда — Австрияда элчи.

1991 йилдан бери — Москвада элчи.

1992 йилнинг май ойида Жан-Пьер Риттер Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

САМСУНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

16 июль кунини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Жанубий Кореядаги машҳур «Самсунг» фирмаси раҳбариятининг корпорация вице-президенти Ж. Ким бошчилигидаги вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадлари муҳофизат қилинди. Чунотчи, корейлик ишбилармонлар Ўзбекистонда радио ва телеаппаратлар, болалар таомлари ҳамда бир марта ишлатилган шприцлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этишга тайёрлар. Учрашувда таъкидланганидек, «Самсунг»нинг Ўзбекистонга бу қадар катта қизиқиши билан қаратилганини боиси, аввало Ислоҳ Каримов Корея Республикасида ташриф буюрган вақтида корпорацияга борганидир. Ҳақиқатда, ўзаро манфаатли ҳамкорлик истибболлари белгилаб олинган эди.

Суҳбатда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўраёнов иштирок этди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОНГА—ТУРКИЯ ДОНИ

Сўнгги вақтда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари эришилган аҳдноналар асосида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан Туркия Бош вазир С. Демирелининг Давос, Тошкент, Истанбул ва Хельсинкидаги учрашувлари ҳамда музокаралари бу муносабатларнинг жадал ривожланишига кўмаклашди. Ўзбекистон — Туркия муносабатлари сўнат, савдо, иқтисодий, илм-фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига тааллуқлидир. Бугун биз газеталар эътиборига Анкарада ҳар кун чиқадиган ҳукумат ахборотномаси — «Расмий» газетасида 1992 йил 14 июлда эълон қилинган муҳим хужжатни ҳавола қиламиз. Бу хужжат Туркиянинг Ўзбекистонга 2 миллион тонна дон етказиб бериши тўғрисидадир.

ТУРКИЯНИНГ «ТУПРОҚ МАҲСУЛЛАРИ ОФИСИ» (ТМО) ҲАМДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

1-модда. ТМОнинг 2000000 тонна донни Ўзбекистон Республикасига яқин нарларда етказиб бериш тўғрисида қарор қилди.

2-модда. Бу қарор газетасида эълон қилинган пайтдан кучга кириди.

3-модда. Мазкур қарорнинг иқтисодий назорат қилиш Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда хазина билан боғлиқ Туркия Республикаси давлат вазирлари зиммасига юклатилди.

Президент ТУҒҒУТ УЗОЛ
Бош Вазир СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛ
Барча Давлат Вазирлари имзо чекиналар

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ

«Халқ сўзи» ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги хабарларидан

ЎН БИРИНЧИСИ АНДИЖОНДА

● АНДИЖОНДА «Ўзбекистон» фирмаси савдо бирлашмасининг дўкон очилди.

УНДА Хива гилам фабрикаси, Тошкентдаги «Юлдуз», «Қизил тоғ», «Малика» корхоналарида тайёрланган ноёб моллар сотилади. Бу «Ўзбекистон» фирмаси савдо бирлашмасининг республикамиз шаҳарларида очган ўн биринчи дўконидир.

ШИФОКОРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

● БУНДАН кейин Фарғона давлат университети йилга 100 нафар санитария шифокорлари тайёрлайди.

Бу бежиз эмас. Вилоятда шу соҳа вакиллари етишмаптир. Тақчилликка барҳам бериш мақсадида очилган янги факультетда республикамиздаги таъқиқлиқ табиб олимлари, тажрибали мутахассислар дарс берадиган бўлади.

ЧИҚИТДАН МАҲСУЛОТ

● ҚУВА мебель ишлаб чиқариш комбинатида «Эрмитаж» номли янги маҳсулот тайёрлана бошланди.

МЕБЕЛЬ хом ашёси ҳам шу ернинг ўзиде. Корхонада илгарилари чиқитга ташлаб юборилган ёғоч қириндиси бу ишда қўл келмоқда. Йиғув ҳеҳида улардан тайёрланган тахталарга ишлов берилиб, мебель тайёрлашда фойдаланилган.

КОНЦЕРН ТУЗИЛДИ

● ҚАШҚАДАРЕДА савдо-ишлаб чиқариш концерни ташкил этилди.

ЯҚИНДА бўлиб ўтган таъсис қурултоғида унинг нозими қабул қилинди. Аҳолини озиқ-овқат, кундалик зарур моллар билан таъминлашга доир янги кундаги ва келажакдаги вазифаларни белгилаб олинди. Маҳсулот етказиб берувчилар ва савдо тармоқлари ишини мувофиқлаштириб бориши лозим бўлган концерн вилоятнинг тугатилган савдо бошқармаси ўрнида тузилди.

САРОБГА АЙЛАНМАСА БЎЛГАН

● ТОШКЕНТДА Осие темирўли сугурта компанияси тузилди.

ЯҚИНДА Самарқанд станциясида шу компаниянинг агенти иш бошлади. Келажакда бу ерда компаниянинг бўлимини очиб режалаштирилган. Юқин сугурта қилиб жўнатган ташкилот эндиликда бу моли йўқолган ёки бўлинин тақдирда тоvon тўланашига умид қилишга ҳақлидир.

ЯНГИ ИХТИРО

● ТОШКЕНТДАГИ «Атмосфера» илмий-тадқиқот ва лоийҳа технология институтининг мутахассислари чорвачилиқ ферраларида зарарли чикитларни тозалашнинг янги усулини ишлаб чиқдилар.

ҲОЗИР ОҚАВАЛАРИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

Улардан фойдаланиш усуллари янги самара бермапти. Бундан ташқари улар катта майдонларни эгаллаб ётибди. Янги технология кунига 240 тонна чикитларни қайта ишлайдиган мослама ёрдамида қурилган органик ўғит тайёрлайди. Уни дарҳол экинларга солиш ёки узоқ вақт сақлаш мумкин.

МДҲДА БЕШИНЧИСИ БЎЛДИ

● ҚАРШИДА лазер жаркази иш бошлади.

МАРКАЗДА тўртта аппарат ўрнатилди. Жаҳон тиббиёт тажрибасидан маълумки, улар ёрдамида ўпка, ошқозон, юрак касалликлари даволанмоқда. Бундай марказлар ҳозир Москва, Санкт-Петербург, Киев ва Тошкентдагина ташкил этилган, холос. Лазер жаркази Қашқадарё вилоят сил касалликлари диспансерида жойлашган.

ЯНГИ ЯХНА ИЧИМЛИК

● ФАРҒОНА сут комбинатида янги ичимлик ҳеҳи фойдаланишга топириди.

УНДА сутни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган айрондан «Саломат» деб аталган оқсил ва углевод моддаларига бой ичимлик тайёрланмоқда. Ҳозир кунига 1000 литр чанқовбодиди маҳсулот савдо тармоқларига жўнатилади.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ:

ТОШКЕНТ ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг муҳбири кенгаш қатнашчиси — Украинани ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Б. И. Тарасюк билан суҳбатлашди.

— Бу кенгаш Ҳамдўстлик давлат бошлқлари кенгашининг 6 июлда Москвада бўлиб ўтган мажлиси қарорига мувофиқ ўтказилди. МДҲдаги бир қанча давлатларда ташвишли вазият юз берганини кенгаш қатнашчиси таъкидлади. Шу муносабат билан давлат бошлқлари ташқи ишлар, Мудофиа вазирлигини ҳамда чегара қўшинларининг кўрсатилган аҳволига алоқадорликни таъкидлади.

Шу кунини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мудофиа вазири раисининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси мудо-

ффа вазири Р. У. Аҳмедов очди. Анқуманда МДҲ Бирлашган қуроли кучлари Бош қўмондон авиация маршалли Е. И. Шапошников нутқ сўзлади.

Мудофиа маҳкамаларининг раҳбарлари Ҳамдўстлик давлатларидаги можаро зоналарида тинчликни сақлаш қолдетириш кучларини ишга солиш тўғрисидаги тақлифларни қўриб чиқишга асосий эътиборни қаратди. Ҳамма томонни қизиқтиратган бошқа ҳарбий масалалар ҳам муҳофизат қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

МДҲ Бирлашган қуроли кучлари 10-қўмондонининг вакили — генерал-лейтенант Л. Г. Шапошников ўз мухбири билан суҳбатда бундай де-

экспертлар гуруҳининг Олмаотадаги учрашувда дастлабки тарзда муҳофизат қилинди. Бугунги кенгаш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан яқин томонлама алоқалар масаласига келсан, республикалар ўртасидаги аёнчан муносабатларга хос бўлган дўстлик ва ҳамкорлик бўлган бўён ҳам асосий ўрин тутди. Биз ҳамкорлик давом эттаётганидан мамнуниз ва ушбу ўзаро манфаатли муносабатларни янгида ривожлантириш учун бизда катта имкониятлар бор деб ҳисоблаймиз.

Шу кунини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мудофиа вазири раисининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси мудо-

ффа вазири Р. У. Аҳмедов очди. Анқуманда МДҲ Бирлашган қуроли кучлари Бош қўмондон авиация маршалли Е. И. Шапошников нутқ сўзлади.

Мудофиа маҳкамаларининг раҳбарлари Ҳамдўстлик давлатларидаги можаро зоналарида тинчликни сақлаш қолдетириш кучларини ишга солиш тўғрисидаги тақлифларни қўриб чиқишга асосий эътиборни қаратди. Ҳамма томонни қизиқтиратган бошқа ҳарбий масалалар ҳам муҳофизат қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

МДҲ Бирлашган қуроли кучлари 10-қўмондонининг вакили — генерал-лейтенант Л. Г. Шапошников ўз мухбири билан суҳбатда бундай де-

КОМИССИЯ ЙИҒИЛАШИ

Маълумки, шу йил 1 сентябр кунини Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик байрами нишонланди. Республикада ана шу кутлуг савани муносиб кутиб олиш ва тантанали байрам қилиш

мақсадида ҳукумат комиссияси тузилган.

Кеча ана шу нуфузли комиссиянинг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси, ҳукумат комиссияси раиси Шавкат Йўлдошев қисқача кириш сў-

зи билан очди. Сўнг республика Давлат котиби, комиссия Раисининг ўринбосари Раҳим Ражабов юбилей тантаналарига таъйирилик хусусида атрафли ахборот берди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Карим Расулов республика пойтахтида Мустақиллик кунига таъйирилик хусусида гапирди.

ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ ҲУҚУҚИ

Москвадаги оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ҳақидаги шов-шувли хабарлар билан дунёга жар солмоқда. Бир неча кун муқаддам «Новости» («Янгликлар») телепрограммасининг ҳодими ўзини билкидон қуратиб, телеомошабналарга сўнгги нақтда Тошкентда муҳолифат кўрғини қилинаётганини, унинг намоандаларига янбабтан 20 та жиний иш қўзғатилганини айтиди. «Бирлик» жарчиси А. Усмонов унинг ёнига қўшилиб, «Комсомольская правда» газетасида гўё Тошкент мустақил демократик давлатлар ҳамдўстлигида сиёсий тағлиқни куч иштироқ қилди деб эътибор қилди.

Ўзбекистонда яшайётганларга бу гапларнинг беҳудалиги равшан. Шунга қарамай, айтишга эътибор қилиш, дейдилар. Аини шу бондан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбирлари шарҳланган сўраб, республика прокурорининг мувоини — Тошкент шаҳар прокурори Т. Қ. МИРЗАЕВга мурожаат этишди. Аввало гўёки сўнгги қуларда жиний иш қўзғатилган 20 киши хусусида сўзлаб бериши илтимос қилинди.

Ҳозирги вақтда шаҳар прокуратурасида шу тоифада 4 та жиний иш маъжуд. Ишлар қўзғатилганига амал бўлган ва улар муҳолифат намоандаларига эмас, балки республикада амал қилаётган қонунларни бузган муайян фуқароларга қарши қаратилган.

Шу жиний ишлардан бири 18 март кунини «Эри» газетасида Тоғли Қорабоғдаги воқеаларга бағишланган миллиятлараро низоини авж олдиришга қаратилган, аўраовилликка даъват этувчи мақола эълон қилиниши муносабати билан қўзғатилган эди. Маълумки бу хил ҳатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланган. Мақола муаллифи Тоғли Қорабоғдаги воқеалар моҳитини ҳақдан ташқари янги таъкид этди. Озарбайжон ва арман халқлари ўртасидаги маъжуд мураккаб муаммоларнинг тарихан чалқаш туғунини ҳар икки халқнинг Ўзбекистонда яшайдиган вакиллари ҳам боғламоқчи бўлган. Республикада озарбайжонлар ҳам, арманлар ҳам ош эмас. Газеталда эълон қилинган — томон-

лардан бирини қўллаб-қувватлашга даъват қон туқини хавфини келтириб чиқариши мумкин эди. Биз эса Фарғона воқеаларининг даҳшатини унутганимизча йўқ. Республикада бу хил воқеаларнинг такрорланшига йўл қўйиб бўлмайдим.

Айтмоқчи, қўзғатилган бу жиний иш уш вақтдаги ёки — мақола муаллифи тевелидене орқали расмий равишда газеталарда мақола эълон қилиниши мумкин эди, аммо мақола мазмунидан келиб чиқши мумкин бўлган ҳулосаларни ошқора қоралаганидан сўнг тўхтатиб қўйилган. Қонуи — инсонпарвар, у содир этилган, аммо кейинчалик оқибати англаб етилган ҳаттилар учун таъйиб қилмайди.

Иқиничи иш ёзувчилар атрафда уралашиб юрган «Жамоатчилик»нинг берухсат йичини ўтказиб, ўзбонимчилик билан гапирокунини «Қорабоғ» комитетини тузгани билан боғлиқ. Бу комитет илчичани расмият нуқтан назардан эмас, балки моҳияти тажовузвор,

тисодий, мадания алоқалар ҳақида гапириб берди. Сессия қатнашчилари Президентнинг сойқ Иттифонинг айрим минтақаларидаги биродарлуқлик, қоли уруш сабаблари ва оқибатлари, қўшни Тожикистондаги ўта тан вазият ҳақидаги гапларини зўр эътибор билан тингладилар.

Сессия ишида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўраёнов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабобов, Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умрзоқов ўртоқлар иштирок этдилар.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу жиний ишлардан бири 18 март кунини «Эри» газетасида Тоғли Қорабоғдаги воқеаларга бағишланган миллиятлараро низоини авж олдиришга қаратилган, аўраовилликка даъват этувчи мақола эълон қилиниши муносабати билан қўзғатилган эди. Маълумки бу хил ҳатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланган. Мақола муаллифи Тоғли Қорабоғдаги воқеалар моҳитини ҳақдан ташқари янги таъкид этди. Озарбайжон ва арман халқлари ўртасидаги маъжуд мураккаб муаммоларнинг тарихан чалқаш туғунини ҳар икки халқнинг Ўзбекистонда яшайдиган вакиллари ҳам боғламоқчи бўлган. Республикада озарбайжонлар ҳам, арманлар ҳам ош эмас. Газеталда эълон қилинган — томон-

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси таъқиқли масалани қўриб чиқди. Фулдомжон Фозилов катта Фарғона каналы бошқармаси бошлқини қўриб чиқилганлиги муносабати билан вилоят ҳокими лавозимидан овоз қилинди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, ундан аввал эса Фарғона вилоят иқтисодий комитети раисининг биринчи ўринбосари, вилоят партия комитети котиби вазифаларидан ишлаган Мирзаев Исмолов вилоят ҳокими қилиб тайинланди. Вилоят кенгаши депутатлари бу номзодни бир овоздан маъқулладилар. Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат назорат қўмитасининг Фарғона вилоят бошқармаси бошлқини лавозимидан ишлаган Аваҳов Мухторов эса ҳокимнинг биринчи ўринбосари қилиб сайланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов нутқ сўзлади. Президент шу йилнинг 9—10 июль кунлари Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича умумевропа кенгаши янгунари, Шарқ мамлакатлари — Корея, Малайзия, Индонезияда қилган сафарлари таассуротлари билан бў дўст мамлакатлар билан олиб борилаётган иқ-

тисодий, мадания алоқалар ҳақида гапириб берди. Сессия қатнашчилари Президентнинг сойқ Иттифонинг айрим минтақаларидаги биродарлуқлик, қоли уруш сабаблари ва оқибатлари, қўшни Тожикистондаги ўта тан вазият ҳақидаги гапларини зўр эътибор билан тингладилар.

Сессия ишида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўраёнов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабобов, Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умрзоқов ўртоқлар иштирок этдилар.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУРОЖААТНОМА ҚУВВАТЛАНДИ

ҚАРШИ. (Ўз мухбиримиздан). Қашқадарё вилоти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ депутатлари, район ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалиги, хуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, маданият муассасалари вакиллари, меҳнат фахрийлари ва хотин-қизлар кенгашлари фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Темир Хидиров Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши X сессияси янгунари ва вилоятнинг иқтисодий-сиёсий ривожлантирилиши барқарорлаштириш тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи ва музокаралар-

да сўзга чиққан вилоят фахрийлари кенгаши раиси С. Усмонов, Китоб район ҳокими Қашқадарё, район ҳокими М. Маҳмудов, вилоят прокурори Эркин Афзаловларнинг сўзларида вилоятда иқтисодий ҳаётни барқарорлаштириш, хуқуқ-тартибот органлари, савдо ва умумий оқватланши ташкилотларининг тўри ва ҳақдан ишлашларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Аҳолининг яншаши ва меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши ҳам раҳбарларнинг доимий диққат марказида бўлиши лозим.

Инглиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига Мурожаатномасини иқтидор билан маъқуллади. Мурожаатномани меҳнаткашлар оммаси орасида кенг тарғиб этиш лозимлиги айтилди.

Вилоят фаоллари кенгашида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов, республика Олий Кенгаши Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комитетининг раиси Г. Захриддиновлар иштирок этдилар.

П. ГАДОВЕВ.

